O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR HOKIMINING

Q A R O R I

Namangan shahri, Xurriyat ko'chasi, 66-uy

2021 - yil 30 - sentabr 287-6-91-Q/21 Namangan shahar hokimligi

Наманган шаҳрида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларга иш ўринларини 2022 йил учун энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонуннинг 14, 43-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом(кейинги ўринларда Низом деб аталади)га асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун Наманган шаҳрида 2021 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига асосан қуйидагилар:

Наманган шаҳридаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларга иш ўринларини 2022 йил учун энг кам сонини

белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

Наманган шаҳридаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2022 йилда иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхона ва ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур корхона ва ташкилотлар учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 10 фоизи миқдорида, бу 666 нафарни ташкил этади, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,1 фоиз (207 нафар, юқорида кўрсатилган иш ўринларига шаҳарда ногиронлар ишга жойлашиш бўйича талаб 35 та бўлганлиги сабабли, келгусида 172 та иш ўрнини умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 2,6 фоиз (176,5 киши);

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз оналар ва кўп болали оилалар учун 2,3 фоиз (151 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 1,1 фоиз (73,5 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,4 фоиз (27 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,3 фоиз (20 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,2 фоиз (11 киши) миқдорида

иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз оналар ва кўп болали оилалар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун — уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун — меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун — уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун — уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун — уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари характерли талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шароитларини таъминлайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар қуйидагилар:

муҳандислар, иқтисодчилар, ҳисобчи, ҳисобчи-тафтишчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, ўқитувчи, тарозибон, электр ва автоаравача ҳайдовчиси, ташувчи, фаррош, ўтёқар, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул.

5. Шаҳардаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун захирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари захирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар Наманган шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини захирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда Наманган шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ташкилотлар ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача Наманган шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этсин;

ташкилот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш

ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги Наманган шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан шаҳар ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралсин.

6. Наманган шаҳар ҳокимининг муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича мазкур қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

7. Наманган шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (М.Қосимов) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Мазкур қарор (иловалари билан бирга) “Наманган садоси” газетасида расман эълон қилинсин ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга киради.

10. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Наманган шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Исаков зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Ғ.Джамалов**

Наманган шаҳар ҳокимининг
2021 йил 30 сентябрдаги
287-6-91-Q/21-сон қарорига
1-илова

Наманган шаҳридаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларга иш ўринларини 2022 йил учун энг кам сонини белгилаш бўйича комиссия таркиби

Комиссия раиси:

1. Р.Исаков - Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

Комиссия раисининг ўринбосари:

2. М.Қосимов - Шахар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори

Комиссия аъзолари:

3. Д.Абдуқаххаров- Шаҳар ҳокимининг ўринбосари
4. В.Ғиясов - Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби
5. Ж.Лутпиллаев - Шаҳар халқ таълими бўлими мудири
6. О.Игамбердиев - Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш жойлардан бўшатилган шахсларда ижтимоий кўникмалар ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари

Комиссия котиби:

7. Д.Турғунов - Шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг ишсизларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

Изоҳ: *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Наманган шаҳар ҳокимининг
2021 йил 30 сентябрдаги
287-6-91-Q/21-сон қарорига
2-илова

Наманган шаҳридаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун 2022 йилда иш жойларининг энг кам миқдори белгиланган корхона ва ташкилотлар

Р Ў Й Х А Т И

№	Ташкилотлар	Жами ишловчилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўринлар сони	Фоизда	Шу жумладан													
					Ногиронлар учун (3 фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз оналар ва кўп болали оилалар учун		Пенсияолди ёшидаги шахслар учун		Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун		Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун		Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун	
					сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
1	Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали	2646	264,0	10,0	79,0	3,0	70,0	2,6	65,0	2,5	30,0	1,1	10,0	0,4	7,0	0,3	3,0	0,1
2	Наманган шаҳар туғруқ комплекси	535	53,5	10,0	16,0	3,0	15,0	2,8	14,0	2,6	5,0	0,9	2,0	0,4	1,0	0,2	0,5	0,1
3	Фтизиатрия-пулмонология "Пахталиккўл" сиҳатгоҳи	355	35,5	10,0	11,0	3,1	10,0	2,8	8,0	2,3	3,0	0,8	2,0	0,6	1,5	0,4	0,0	0,0
4	Наманган вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик маркази	210	21,0	10,0	7,0	3,3	6,0	2,9	5,0	2,4	2,0	1,0	0,0	0,0	1,0	0,5	0,0	0,0
5	Халқ банки АТБ Наманган вилоят филиали	175	17,5	10,0	5,5	3,1	5,0	2,9	4,5	2,6	2,5	1,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6	Наманган вилоят наркология диспансери	135	13,5	10,0	4,0	3,0	3,5	2,6	3,0	2,2	1,0	0,7	1,0	0,7	0,0	0,0	1,0	0,7
7	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 3-сонли умумий ўрта таълим мактаби	100	10,0	10,0	3,0	3,0	2,5	2,5	2,0	2,0	1,5	1,5	0,0	0,0	1,0	1,0	0,0	0,0
8	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 75-сонли умумий ўрта таълим мактаби	95	9,5	10,0	3,0	3,2	2,5	2,6	2,0	2,1	0,0	0,0	1,0	1,1	1,0	1,1	0,0	0,0

9	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 14-сонли умумий ўрта таълим мактаби	90	9,0	10,0	3,0	3,3	2,5	2,8	2,0	2,2	1,5	1,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
10	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 74-сонли умумий ўрта таълим мактаби	90	9,0	10,0	3,0	3,3	2,5	2,8	2,0	2,2	1,0	1,1	0,5	0,6	0,0	0,0	0,0	0,0
11	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 51-сонли умумий ўрта таълим мактаби	85	8,5	10,0	3,0	3,5	2,5	2,9	2,0	2,4	0,5	0,6	0,0	0,0	0,5	0,6	0,0	0,0
12	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 6-сонли умумий ўрта таълим мактаби	80	8,0	10,0	2,5	3,1	2,0	2,5	1,5	1,9	1,0	1,3	0,0	0,0	0,0	0,0	1,0	1,3
13	Наманган шаҳар саноат коллежи	75	7,5	10,0	2,5	3,3	1,5	2,0	1,0	1,3	1,0	1,3	0,5	0,7	0,5	0,7	0,5	0,7
14	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 40-сонли умумий ўрта таълим мактаби	70	7,0	10,0	2,5	3,6	1,0	1,4	1,0	1,4	1,0	1,4	0,5	0,7	0,5	0,7	0,5	0,7
15	NAMANGAN VILOYAT KO'ZI OJIZLAR MAXSUS KUTUBXONASI	60	6,0	10,0	2,0	3,3	1,5	2,5	1,0	1,7	1,0	1,7	0,5	0,8	0,0	0,0	0,0	0,0
16	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 46-сонли умумий ўрта таълим мактаби	50	5,0	10,0	1,5	3,0	1,0	2,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0
17	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 47-сонли умумий ўрта таълим мактаби	50	5,0	10,0	1,5	3,0	1,0	2,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0
18	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 45-сонли умумий ўрта таълим мактаби	50	5,0	10,0	1,5	3,0	1,0	2,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,5	1,0
19	Наманган шаҳар 22-мактабгача таълим ташкилоти	35	3,5	10,0	1,5	4,3	1,0	2,9	0,5	1,4	0,5	1,4	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
20	Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 9-сонли оилавий поликлиника	130	13,0	10,0	4,0	3,1	3,5	2,7	3,0	2,3	2,0	1,5	0,0	0,0	0,5	0,4	0,0	0,0
21	Наманган давлат университети академик лицейи	130	13,0	10,0	4,0	3,1	3,5	2,7	3,0	2,3	1,5	1,2	1,0	0,8	0,0	0,0	0,0	0,0
22	Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-сонли оилавий поликлиника	120	12,0	10,0	4,0	3,3	3,5	2,9	3,0	2,5	0,5	0,4	0,5	0,4	0,5	0,4	0,0	0,0
23	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 11-сонли умумий ўрта таълим мактаби	120	12,0	10,0	4,0	3,3	3,5	2,9	3,0	2,5	0,5	0,4	0,5	0,4	0,5	0,4	0,0	0,0
24	Наманган шаҳар ХТБга қарашли 18-сонли умумий ўрта таълим мактаби	110	11,0	10,0	3,5	3,2	3,0	2,7	2,5	2,3	1,0	0,9	0,5	0,5	0,0	0,0	0,5	0,5
25	"Ипотека-банк" АТИБ Наманган вилоят филиали	100	10,0	10,0	3,0	3,0	2,5	2,5	2,0	2,0	1,5	1,5	1,0	1,0	0,0	0,0	0,0	0,0
26	Наманган вилоят ногиронларни реабилитация ва протезлаш маркази	100	10,0	10,0	3,0	3,0	2,5	2,5	2,0	2,0	1,5	1,5	1,0	1,0	0,0	0,0	0,0	0,0

27	Наманган муҳандислик-технология институти академик лицейи	90	9,0	10,0	3,0	3,3	2,5	2,8	2,0	2,2	1,5	1,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
28	"Асака" АТБ Наманган вилоят филиали	80	8,0	10,0	2,5	3,1	2,0	2,5	1,5	1,9	1,0	1,3	1,0	1,3	0,0	0,0	0,0	0,0
29	"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Наманган минтақавий филиали	75	7,5	10,0	2,5	3,3	2,0	2,7	1,5	2,0	1,0	1,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,7
30	Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 12-сонли оилавий поликлиника	70	7,0	10,0	2,5	3,6	2,0	2,9	1,5	2,1	0,5	0,7	0,0	0,0	0,5	0,7	0,0	0,0
31	NAMANGAN TIBBIY DIAGNOSTIKA МЧЖ	70	7,0	10,0	2,5	3,6	2,0	2,9	1,0	1,4	0,5	0,7	0,0	0,0	0,5	0,7	0,5	0,7
32	Наманган шаҳридаги 11-сонли марказий болалар мусиқа ва санъат мактаби	65	6,5	10,0	2,0	3,1	1,5	2,3	1,0	1,5	1,0	1,5	0,5	0,8	0,0	0,0	0,5	0,8
33	"GRAND CHARM POYAFZALLARI" МЧЖ	65	6,5	10,0	2,0	3,1	1,5	2,3	1,0	1,5	1,0	1,5	0,5	0,8	0,5	0,8	0,0	0,0
34	"Туронбанк" АТБ Наманган филиали	60	6,0	10,0	2,0	3,3	1,5	2,5	1,0	1,7	1,0	1,7	0,0	0,0	0,5	0,8	0,0	0,0
35	MUSTANG TEKSTIL МЧЖ	60	6,0	10,0	2,0	3,3	1,5	2,5	1,0	1,7	1,0	1,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,5	0,8
36	Наманган шаҳридаги 30-сонли мактабгача таълим ташкилоти	50	5,0	10,0	1,5	3,0	1,0	2,0	1,0	2,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,0	0,0	0,5	1,0
37	Наманган шаҳридаги 16-сонли мактабгача таълим ташкилоти	50	5,0	10,0	1,5	3,0	1,5	3,0	1,0	2,0	1,0	2,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
38	Наманган шаҳридаги 14-сонли мактабгача таълим ташкилоти	50	5,0	10,0	1,5	3,0	1,5	3,0	1,0	2,0	0,0	0,0	0,5	1,0	0,5	1,0	0,0	0,0
39	"DILBAROY MALHAM SHIFO SERVIS" МЧЖ	45	4,5	10,0	1,5	3,3	1,0	2,2	1,0	2,2	0,5	1,1	0,0	0,0	0,5	1,1	0,0	0,0
40	Наманган педагогика коллежи	40	4,0	10,0	1,5	3,8	1,0	2,5	1,0	2,5	0,5	1,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
ЖАМИ		**6666**	**666,0**	10,0	**207,0**	**3,1**	**176,5**	2,6	**151,0**	2,3	**73,5**	1,1	**27,0**	0,4	**20,0**	0,3	**11,0**	0,2